

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022

IYUN

№41



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz



www.conferences.uz

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
9-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-9**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-9**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 41-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 21 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Зиё Шерзод Азамат ўғли ИСЛОМ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАР- НИНГ ИШЛАШ ТАМОИЛЛАРИ	7
2. Зиё Шерзод Азамат ўғли ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛК ҚАДАМЛАР	9
3. Қайтаров Воҳид Раимкулович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ.....	11
4. Саттарова Мафтуна Ҳакимжановна ИСЛОМ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОИЛЛАРИ	13
5. Махмудов Омон Тухтаевич ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	15
6. Жумаев А.Н. ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ МАВЖУД ХАТАРЛАР	17
7. А.М.Ахунбайева LOGISTIKA SAMARADORLIGINING IQTISODIYOTGA TA’SIRI	19



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ИСЛОМ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАШ ТАМОИЛЛАРИ

Зиё Шерзод Азамат ўғли
ТДИУ таянч докторанти
Телефон: (90) 982-00-50
ziyo2020@mail.ru

Аннотация. Ислом банк ишининг бош ўзига хос хусусияти судхўрлик фоизидан воз кечишдир. Ҳолбуки, барча ғарб молия тизими умум қабул қилинган фоизларга асосланган. Мазкур тезисда ислом банкларининг бошқа анъанавий банклардан афзалликлари ва асосий хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ислом банки, ислом дарчаси, фоиз, омонат, закот, судхўрлик, мубораҳа, мушорақа

Бугунги кунда ислом банкларида анъанавий банк операцияларининг, деярли, барчаси, яъни депозит, кредит, аккредитив, ҳисоб-китоб, тўлов операциялари амалга оширилади. Улар саноат, аграр сектор, тижорат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига катта маблағлар инвестиция қилмоқда.

Ўзбекистонда ислом банклари хизматларини амалиётга жорий этиш борасида Президентимиз Ш.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади” деб, таъкидлаган эдилар [1].

Шундай қилиб ислом банклари ўз мижозларига юқоридаги операцияларни амалга ошириш учун уч хил фоизсиз ҳисоб (счёт)ни таклиф қилади:

1. Жорий ҳисоб. Бу фоиз ставкаси қўйилмайдиган чек ва жамғарма ҳисоби бўлиб, бунда банк мижозлардан қўйилма ва депозитлар бўйича хизмат кўрсатгани учун муайян тўлов олишга ҳақлидир. Агар мамлакатда инфляция жараёни кузатилаётган бўлса, ҳисоб рақамидаги пул маблағларига индексация асосида муайян миқдордаги пул компенсация сифатида тўланади.

2. Инвестицион ҳисоб. Ушбу ҳисоб тури бўйича мижозлар турли операциялар воситасида ўз маблағларини истиқболли лойиҳаларга инвестиция қилишлари мумкин. Албатта, бунда фойда ва зарар, юқорида айтиб ўтилгандек, банк ва мижоз ўртасида шартномага кўра тақсимланади.

3. Кредит ҳисоби. Ислом банклари мазкур ҳисоб орқали талабгор тадбиркорларга ҳамда аҳолининг муҳтож қатламларига фоизсиз қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз (кредит) беради.

Бунда давлатманд мусулмонлар ўз эҳтиёжларидан ҳоли бўлган бўш маблағларини банкнинг кредит ҳисобига қисқа ёки узоқ муддатли депозит сифатида қўядилар. Банк ушбу маблағларни келишилган муддатда тўлиғича қайтаришни кафолатлайди.

Ислом банк ишининг бош ўзига хос хусусияти судхўрлик фоизидан воз кечишдир. Ҳолбуки, барча ғарб молия тизими умум қабул қилинган фоизларга асосланган. Бу, албатта, тижорат қарзларини умум хайр-саҳоватга берилаётганлигини англамайди. Капитал эгасини озгина ҳақ олиши олдиндан белгиланган суммани тўлаш шаклини олмаслиги керак, агар у фоиз олса, ана шундай ҳолат содир бўлади. Ислом эътиқоди меъёрларига асосан одиллик ва ҳаққонийлик шундаки, бойликнинг манбаи, энг аввало, банданинг меҳнати ва эгасининг ишбилармонлик ҳаракати ҳамда қолган мерос ёки тақводорлик бўлиши мумкин. Бундан



ташқари фойда олинган риск учун олинган хайр-инъом ҳисобланади, бу барча ўзини билган корхонани ҳаракати кетидан келадиган натижа сингари. Ислом иқтисодчилари судхўрлик фоизини тақиқлаш учун ҳар хил асосланган рационал далиллар келтиради, яъни фоиз ундириш усули билан ўзга инсонни эксплуатация қилишга имкон берилади ва банк тизмида эса иқтисодий инқирозларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Охир оқибатда судхўрлик фоизидан вос кечиш ислом динида васият қилинган чақирувдир. Муслмон кишининг ҳаёт соҳалари, шу жумладан, молиявий фаолияти ҳам муқаддас Қуръони Каримда қайд этилган ҳамда шариатни йиғма ҳуқуқий ва диний оятларида қайд этилган[2].

Шариат меъёрларига асосан, қайсидир бир фаолиятга сарфланмаган пулдан хайр-эҳсон солиғи олиниб, фақирлар ва камбағалларга сарфланиши керак. Агар инсонни ўзи топган пулини оборотга қўйишга ноқодир бўлса, уни бошқа корхона фаолиятига тикиб, унинг даромадидан улушини олиши зарур. Бир ярим минг йил аввал, ислом дини яратилган вақтдаги молиявий операциялар номлари ҳозир ҳам давом этмоқда ва ўша тартиб қоидаларга асосланган. Шунинг учун ҳам Манамадаги, Куала-Лумпурдаги ва Лондондаги ҳозирги замон Ислом банклари барча молиявий хизмат турларини азалий тамойилларга амал қилиб кўрсатиб келмоқда [2].

Ғарб мамлакатларида судхўрликка асосланган, яъни маблағ тикиб фоиз олишга асосланган банк тизими ҳукмронлик қилади. Банклар кредит беришда олдиндан белгиланган фоиз ставкаси билан берадилар. Кредитдан фойдаланиш муддати тугагандан кейин, қарздор фойда олдини ёки йўқми ундан қатъий назар банкка нафақат кредит суммасини, балки ундан фойдаланганлиги учун маълум фоиз тўлашини талаб этадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, www.president.uz

2. Батаева Б.С. Исламские банки сквозь призму развития этических финансов и банков// Проблемы современной экономики. – 2013. – № 1. – с. 270-272.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛК ҚАДАМЛАР

Зиё Шерзод Азамат ўғли
ТДИУ таянч докторанти
Телефон: (90) 982-00-50
ziyo2020@mail.ru

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистонда ислом банк хизматлари бозорини ривожлантириш борасидаги илк қадамлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ислום банк хизматларининг жорий этилиши натижасида эришиладиган ютуқ ва камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: Ислום Тараққиёт Банки, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки, Ислום тадқиқотлар ва тренинглари институти, Халқаро ислом савдо молия корпорацияси, исломий молия

Ислום динига эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил қилишига қарамай, Ўзбекистонда шу вақтгача Ислוםий молия соҳаси Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларга қараганда деярли ривожланмаган, ваҳоланки ушбу соҳанинг ривожланишида мамлакат жуда катта салоҳиятга эга.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислום тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади” деб, таъкидлаган эдилар [1].

Сўнги йилларжа йирик халқаро молиявий ташкилотлар (Ислום Тараққиёт Банки Гуруҳи, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки ва б.) экспертлари томонидан эътироф этган. Шу билан бирга, сўнги йилларда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда баъзи бир ишлар амалга оширилди.

Жумладан: Ислום Тараққиёт Банки (ISDB) ва унинг гуруҳи таркибига кирувчи ташкилотлар, хусусан Хусусий Тармоқни Ривожлантириш Ислום Корпорацияси (ICD), Халқаро ислом савдо молия корпорацияси (ITFC) ва Ислום тадқиқотлар ва тренинглари институти (IRTI) мамлакатда ислом молияси ривожланишида ўз ҳиссаларини қўшган ҳолда, ҳозирги кунга қадар 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағни Ислוםий молия тамойиллари асосида молиялаштириш мақсадларига йўналтирган [2].

Шунингдек, таълим соҳасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда ислом молияси бўйича бир қанча тренинглари ўтказилди, ўзбек тилида ислом молиясига оид китоблар нашр этилди.

Малайзиялик профессор Судин Ҳоруннинг «Ислוםий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти», қозғистонлиқтисодчи Ерлан Байдаулетнинг «Ислוםий молия сoslари» варосиялик Ринат Беккиннинг «Ислום иқтисодий модели вазамон» китоблари шулар жумласидандир.

Шунингдек, мамлакатда ислом молия хизматларига бўлган талабнинг юқорилигини инобатга олган ҳолда ICDнинг Маслаҳат гуруҳи ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг бта тижорат банки, жумладан, Капиталбанк, Трастбанк, Азия Альянс банк, Агробанк, Қишлоқ Қурилиш банк ва Ипак Йўли банкларида Ислום дарчалари (Ислוםий молия хизматлари кўрсатувчи шохобча) очиш бўйича иш олиб бормоқда. Ушбу дарчалар 2021 йилнинг бошида ишга тушди. Бундан ташқари, Алоқабанк, Халқ банки, Универсал банк ва Даврбанкларда ҳам ислом дарчалари очилиши бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шуни айтиш мумкинки, исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим омил, пойдевор ва ривожланиши стикболи бўлади, натижада ўз маданиятида Ислוםнинг чуқур илдизларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортади ва ҳуқумат ушбу имкониятдан халқ фаровонлиги ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, Ўзбекистонда ислом банк хизматларининг кенг қамровли жорий этилиши мамлакат учун қуйидаги имкониятларни



очиши мумкин:

- хориждан келатган инвестициялар ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш;
- банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификациялаш имкониятини яратиш;
- аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг иқтисодиёт ривожланишида максимал иштирокини таъминлаш;
- мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш ва диверсификациялаш;
- кўплаб янги иш ўринлари яратиш;
- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридаги фаоллигини кўтариш;
- ислом молия хизматлари индустриясини ривожлантириш орқали мамлакатда инфратузилмани мувофиқлаштириш ва янгилаш;
- янги молиявий муассасалар ташкил қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, www.president.uz

2. Исхаков И.Р. Операционная структура исламского финансового института, ориентированная на реализацию долевого методов // Актуальные проблемы экономики и права. – 2014. – № 2(30). – с. 12-16.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Қайтаров Воҳид Раимқулович

Бизнес ва тадбиркорлик

олий мактаби таянч докторанти

Телефон: (97) 477-85-23

kaftarov_vokhid@mail.ru

Аннотация. Тижорат банкларида сўнги йилларда таклиф этиб келинаётган рақамли банк хизматлари турлари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ушбу рақамли маҳсулотлар тўғрисида тадқиқотчи олимларнинг фикр ҳамда мулоҳазалари билан таништириб чиқилган.

Калит сўзлар: *e-banking, Масофавий банк хизмати, SMS-банкнинг, STK (SIM Application Toolkit), Java-банкнинг*

Бутун дунёда турмуш тарзининг жадаллик билан ривожланиб бориши натижасида банк мижозлари томонидан банк хизматларининг қулай шароитларда амалга оширилиши талаби кучайиб келмоқда. Мазкур талабларни қондириш учун замонавий ффан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш олимлар илмий изланишларининг предитметиға айланмоқда.

Банк хизматлари бозори ривожланиши баробарида масофавий банк хизматлари бўлмиш электрон банкинг (e-banking) замонавий банк хизматлари жорий этила бошлади [1].

Масофавий банк хизмати - бу банкнинг мижозлари банк офисига бормасдан туриб амалга ошириш имконини берувчи турли хил алоқа воситалари орқали боғланиб, уйғунликда зарур бўлган операцияларни бажариш мумкин бўлган хизматлар мажмуидир.” деб эътироф этган.

А.С. Борисов бугунги кунда мобил-банкнинг тизимларининг қуйидаги асосий турлари кенг тарқалганги ҳақида маълумотлар келтириб ўтган [2]:

- SMS-банкнинг – SMS (Short Message Service, яъни қисқа хабарлар хизмати) протоколи бўйича банк хизматлари кўрсатиш. Бунда алоқа оператори ёрдамида мижоз ва банк ўртасида мижоз ҳисоб рақами ҳаракати бўйича ахборот алмашинуви жараёни юзага келтирилади.

- STK (SIM Application Toolkit) – банкинг - мижознинг SIM-картаси “кайта юкланади” ва унинг мобиль телефонида банк хизматлари кўрсатиш қўшимча менюси пайдо бўлади. Ушбу меню ёрдамида мижоз осонлик билан ўзи амалга оширишни хоҳлаган банк операцияларини танлаши ҳамда амалиётни муваффақиятли якунига етказиши мумкин.

- Java-банкнинг – мижознинг мобил телефониға Java иловаларни ўрнатиш орқали GPRS протоколи бўйича банк хизматлари кўрсатиш тизими бўлиб ҳисобланади.

- WAP-банкнинг - WAP (Wireless Application Protocol, яъни симсиз алоқа учун иловалар) протоколи бўйича интернет орқали банк хизматлари кўрсатиш.

SMS-банкнинг–бу банк мижозлариғауларнинг депозит ҳисоб-варақларидаги ҳамда пластик карталарға очилган ҳисобқарақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишидаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварағидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамиға белгиланган SMS-сўровни юбориш керак.

“STK-banking”да мижознинг уяли телефон Sim картасиға махсус илова юклаб қўйилади ҳамда мижознинг телефон аппарати менюсида банк хизматларини кўрсатишға ихтисослашган пункт пайдо бўлади. Шу пункт ёрдамида мижоз товар ёки хизматлар бўйича турли операцияларни амалга оширади.

Бу технологияларнинг ижобий томонлари шундан иборатки, биринчидан, мижоз тизимни ишға тушириш учун маълум вақтни сарфлаш керак бўлмайдиган, олдиндан созланган, тайёрланган сервисни қабул қилиб олади ҳамда ундан фойдаланади. Иккинчидан, алоқа оператори узатиладиган маълумотларнинг терминалдан банкнинг жараёнли марказиғача бўлган ораликда ҳимоясини таъминлайди. Учинчидан, абонент турли кўринишдаги операцияларнинг бажарилишида узун рақамларни эслаб қолиши, ёки ўзи билан операцияларни амалга ошириш қоидалари бўйича махсус маълумотнома олиб юришини талаб қилмайдиган оддий ва қулай сервис билан ишлайди.

“Java-banking”да бошқарувчи дастур Java-илова(изох) кўринишида фойдаланувчининг SIM-картасиға эмас, балки унинг телефон аппаратиғаюйлаштирилади. Натижада мобил



телефонда банк операцияларини ўтказиш учун махсус меню пайдо бўлади. Ушбу илова банк сервери билан фақат кичик ҳажмдаги буйруқлар орқали боғланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исхаков И.Р. Операционная структура исламского финансового института, ориентированная на реализацию долевого метода // Актуальные проблемы экономики и права. – 2014. – № 2(30). – с. 12-16.

2. Борисов А.С. (2011) Теоретические особенности инновационной деятельности сферы услуг/ Известия ПГПУ им. В. Г. Белинского. № 24. С. 218-220.



ИСЛОМ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОИЛЛАРИ

Саттарова Мафтуна Хакимжановна

Банк-молия академияси магистранти

Телефон: (97) 085-85-50

sattarova2021@mail.ru

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистонда ислом банк хизматлари бозорини ривожлантириш борасидаги илк қадамлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ислום банк хизматларининг жорий этилиши натижасида эришиладиган ютуқ ва камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: Ислום Тараққиёт Банки, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки, Ислום тадқиқотлар ва тренинглари институти, Халқаро ислом савдо молия корпорацияси, исломий молия

Бугунги кунда ислом молиясининг учдан икки қисми ислом банкларида жамланган [1]. Ислוםий банк хизматлари молиявий-иқтисодий муносабатлари ислом шариати асосида тартибга солиниб, қуйидаги кетма-кетликда келади: Куръон Карим, Ҳадиси Шариф, Ижмо ва Қиёс [2].

Тадқиқотчи олим А.А. Аль Аззави исломий банкларнинг қуйидаги тамойиллар асосида фаолият юритишини таъкидлаб ўтади [3].

1. Мушорақа – шерикчилик асосида, яъни банк ва тадбиркор томонидан лойиҳани биргаликда амалга ошириш.

Ислום банкларида амалга ошириладиган банк операцияларининг мушорақа турида банк молиялаштиришдан кўзлаган мақсад муайян фоиз олиш эмас, балки олиниши керак бўлган фойдада иштирок этишдир.

Банк талабгор тадбиркорлар ичидан шерик танлашда унинг нафақат профессионал маҳорати, балки унинг ахлоқий жиҳатларини ҳам инобатга олади.

2. Мудораба – ишонч асосида молиялаштириш. Ушбу банк операцияси турининг моҳияти шундаки, бунга кўра томонларнинг бири сармоя кўювчи ва иккинчи тараф иш юритувчи сифатида фаолият юритади. Демак, банк лойиҳани тўлиқ молиялаштирувчи бўлса, тадбиркор лойиҳани бевосита амалга оширувчи ҳисобланади.

Ислום банкларида амалга ошириладиган операцияларнинг мудораба тури мусулмон аҳоли ўртасида кенг тарқалган асосий хўжалик юритиш тамойилини ўзида акс эттиради. Муомаладан холи ёки бўш сармояга эга бўлган шахс уни ўзи хоҳлаган соҳага ёки бир пайтнинг ўзида турли соҳаларга йўналтириши мумкин. Бунда иккинчи тараф сармояни тасарруф этувчи, яъни лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ва бошқарув ишларига мутасадди шахс сифатида муомалага киришади (Батаева, 2013).

3. Муробаҳа – тижорат операцияларини молиялаштириш. Ислום банклари опрецияларининг ушбу турида банк муайян тижорат операциясини молиялаштиради ва шартномада кўрсатилган фойдага эга бўлади. Бунда мижоз буюртмасига кўра товар банк томонидан харид қилинади. Сўнгра банк ушбу товарни шартномада кўрсатилган устама нарх билан мижозга сотади. Ушбу устама нарх банкнинг фойдаси ҳисобланади.

4. Ижор – Ижара операцияси. Банк операциясининг ижор турига асосан тадбиркор кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситасини банкдан ижарага олади. Ислום банкларининг ушбу операцияси бугунги кундаги анъанавий банкларнинг лизинг операцияларига ўхшаш бўлиб, у банк ва тадбиркор ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

5. Ижор ва иқтино – сотиб олиш ҳуқуқи бўлган ижара. Банк ва мижоз ўтрасида тузилган ушбу шартномага кўра, банк томонидан ижарага берилган кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситаси ижара муддати тугагач мижознинг мулкига айланади. Албатта, бунга қадар ижара объектининг келишилган нархи белгиланган муддат ичида тўлаб бўлинган бўлиши керак. Анъанавий банклар ҳам лизинг операцияларини амалга оширишда мижозга ижара муддати тугагач, сотиб олиш ҳуқуқини беради.

6. Закот – Моли нисобга етган давлатманд мусулмонлардаги камбағаллар ҳақи.

Банк томонидан закотларни жамлаш учун Закот уйи ташкил этилади. Ўз навбатида банк Закот уйига тушган маблағларни камбағаллар турмуш аҳволини яхшилашга, уларни



ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга ва бошқа жамоат манфаатидаги ишларга сафарбар қилади. Закот уйлари закот тўловчилардан ташқари барча турдаги хайрия ва эҳсонларни қабул қилиб, уларни аҳолининг муҳтож қатламларига етказиш учун хизмат қилади.

7. Ал-Қард ал-Ҳасан– фоизсиз қарз.

Ислом банклари жисмоний ва юридик шахсларга маълум муддатга фоизсиз қарз бериши мумкин. Ушбу қарз асосан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун (масалан, завод, фабрика, йўл ва кўприклар қуриш) учун ажратилади. Айрим ҳолларда, маълум объектив сабабларга кўра қарздор шахс ёки ташкилот олинган маблағни қайтара олмаса, банк уни закот фонди ҳисобидан қоплаб бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Islamic Finance Outlook 2020 Edition, p37
2. Байдаулет Е.А. Основы этических (исламских) финансов, учебное пособие, Павлодар, 2014
3. Аль Аззави А.А. К вопросу о специфике функционирования исламского банкинга и факторах, останавливающих его развитие на территории РФ // Вестник Университета (Государственный университет управления). – 2017. – № 4. – с. 85-88.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Махмудов Омон Тухтаевич

ТерДУ Молия кафедраси катта ўқитувчиси

Телефон: +998915798244

omon77@mail.ru

Аннотация. Тижорат банклари рейтингини моҳияти, уни аниқлашнинг зарурлиги, жаҳон амалиётида банкларни рейтингини аниқлаш жараёнлари келтириб ўтилган. Рейтинг ва рэнкинг тушунчаларига атрофлича тўхталиб, фарқли жиҳатлари назарий таҳлил қилиб берилган.

Калит сўзлар: рейтинг, рэнкинг, CAMELS, банклар рейтинги, индекс, PATROL, рейтинг компаниялари, эксперт тизими, баҳолаш.

Бутун дунёда банклар барча иқтисодий субъектларнинг локомотиви ҳисобланиб, улар орқали мамлакатда иқтисодий масалалар, хусусан, пул-кредит ва валюта муносабатлари, миқдорлар ўртасидаги ҳисоб-китоб амалиётлари, бошқа турли операциялар амалга оширилади. Бундай шароитларда тижорат банклари фаолияти барқарор, ҳар қандай иқтисодий ларзаларга бардош бериши эса катта аҳамият касб этади.

Кўп давлатларнинг Марказий банклари “банкларнинг банки” ҳисобланиб, доимий равишда тижорат банклари фаолияти устидан назорат ўрнатади, шу билан бирга мамлакатда иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлашда масъул идора ҳисобланади. Шунингдек, маълум бир давлатлар ўзларининг мустақил рейтинг тизимларини ҳам тайёрлаб, нафақат мазкур давлатларда балки бошқа давлатларда ҳам ундан кенг қўлланилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунга мисол қилиб, АҚШда CAMELS рейтинг тизимини, Буюк Британиянинг RATE рейтинг тизими, Италиянинг PATROL рейтинг тизимларини алоҳида айтиб ўтишимиз мумкин. АҚШнинг CAMELS рейтинг тизими ва унинг рейтингини аниқлаш мезонлари бугунги кунда кўпчилик давлатлар амалиётида кенг қўлланиб келинади.

Умуман дунё амалиётида сўнгги вақтларда “рейтинг”, “рэнкинг”, “банклар рейтинги”, “банк активлари бўйича рэнкинг”, “банк капитали бўйича рэнкинг” каби тушунчалар кенг қўлланила бошлади. Бу эса, тижорат банклари фаолияти рейтингини аниқлашда ниҳоятда долзарб бўлган тушунчалар ҳисобланади.

“Рейтинг” термини инглизча “rating” сўзидан таржима қилинганда “баҳолаш”, “баҳосини аниқлаш” ёки “синф, разряд, категорияларга ажратиш” маъноларини беради¹. Рейтингнинг мазмуни бирор субъектнинг маълум бир жиҳати бўйича таснифлаш эмас, аксинча рейтингланаётган субъектнинг ҳолатини баҳолашни назарда тутаяди.

“Рейтинг” билан бирга “рэнкинг” тушунчаси ҳам бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Унинг асосий фарқи шундаки рэнкингда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг маълум бир кўрсаткичлари бўйича тартиблаштириш назарда тутилади. Масалан, банк активлари бўйича рэнкинг, банк капитали бўйича рэнкинг ва ҳ.з.

Шундай қилиб, “рейтинг” комплекс кўрсаткичлар асосида субъектларни баҳолаш бўлса, “рэнкинг” маълум бир кўрсаткичлар асосида субъектларни тартиблаштириш тушунилади.

“Рейтинг” ва “рэнкинг” тушунчалари билан бирга адабиётларда “индекс” тушунчаси ҳам учрайди. “Рейтинг” билан “индекс”нинг фарқи нимада?

“Индекс” субъектнинг билвосита фаолияти натижаларини билдиради. “Индекс” (лотинча index – рўйхат, реестр, кўрсатувчи маъноларини билдириб) маълум бир ўзгариш ёки ривожланиш, фаоллик ва ишчанлик, элементнинг ўрнини кўрсатувчи кўрсаткич, рақамдир². Умуман олганда “индекс”лар иқтисодий субъектларнинг рейтингини аниқлашнинг омилларидан бири ҳисобланиши аниқланади.

“Рейтинг” тушунчаси “эксперт”, “экспертлар тизими”, “эксперт баҳолаш” тушунчалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ тушунчалар ҳисобланади. Юқоридагилардан хулоса қилиб,

¹ <https://context.reverso.net>

² Карминский, А. М. Энциклопедия рейтингов: экономика, общество, спорт: монография / А.М. Карминский, А.А. Полозов. -2-е изд., перераб. и доп. -Москва: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2019. стр.7



рейтинг агентликларининг маълумотлари ишбилармонлик ва бизнес соҳасида қарорлар қабул қилиш ва доимий ҳолатни билиб туриш учун асосий ташкил этувчи маълумотлар ҳисобланади. Улар орқали инвестиция киритиш, шунингдек, ишончлилиқ даражасини ушлаб туришга қаратилади.

Рейтинглар маълумотлар шаффофлиги асосида тайёрланади ва уларнинг ошиб боришига хизмат қилади ҳамда инвестицияларнинг мувафқиятлиги башорати билан белгиланади.

Шундай қилиб, рейтинглар иқтисодий субъектларнинг фаолиятига умумий ва комплекс баҳо бериш, рейтинг маълумотлари асосида хўжалиқ юритувчи субъектлар инвестиция киритиши, маблағларини жойлаштириши учун асосий маълумотлар базаси ҳисобланиши аниқланди. Рейтинг маълумотларининг шаффоф эмаслиги ва ноаниқ бўлиши, келгусида уларнинг инвестицион қарорлар қабул қилишларида катта йўқотишларга эга бўлиш эҳтимоллигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони. - www.lex.uz.
2. Абдуллаева Ш. З. Банк иши: Дарслик /Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Иқтисод-молия», 2017. – 732 б.
3. Жарковская Е.П. Банковские дело. Учебник.-М.: 2006, Стр. 345-346.
4. Коваленко В.Гаркуша Ю.Обеспечение финансовой устойчивости банков Издатель: LAP LAMBERT Atsademits Publishing.Saarbrutsken 2017-15с
5. Карминский, А. М. Энциклопедия рейтингов: экономика, общество, спорт: монография / А.М. Карминский, А.А. Полозов. -2-е изд., перераб. и доп. -Москва: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2019. стр.8
6. Лаврушин О.И. Банковское дело.Учебное пособие. -М .:КНОРУС, 2009.стр-8.
Эрик Найман. Малая энциклопедия трейдера. -М.: Альпина Пабlishер. -2002. стр.29



ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ МАВЖУД ХАТАРЛАР

Жумаев А.Н.

«Молия» кафедраси доц. Имомов Ҳ.Ҳ.
МГФ-10 гуруҳ магистри

Аннотация: Мазкур мақолада давлат қарзларини молиялаштиришдаги мавжуд хатарларнинг вужудга келиш сабаблари ва турлари. Шу билан бирга мазкур хатарлардан зарарсиз ўтиши йўллари. Унинг натижасида юзага келадиган муаммолар келтирилган.

Калим сўзлар: қимматли қоғоз, молиялаштириш хатари, қоғоз (инвентарь), инвентарь хатари, купон ставкаси, алмаштириш, дилерлар.

Маълумки амалиётда давлат қимматли қоғозларини стандартлаштириш ва асосий муддатларни танлаш у қадар қийин эмас, лекин икки талабни бажариш мураккаброқ: қоғоз қиймати қанчалик катта бўлса, уни жойлаштириш давлатга шу қадар қимматга тушади, бозор ҳатто керакли суммани беришни рад қилиши ҳам мумкин. Буни биз қайта молиялаштириш хатари деб атаганмиз. Бирламчи бозорда қоғозларни давлатдан улгуржи сотиб оладиган дилерлар учун қайта молиялаштириш хатари инвентарь хатари қиёфасига киради. Бу – қоғоз (инвентарь)га қўйилган капиталнинг қадрсизланиши эҳтимолларидир. Дилерлар инвентарь хатаридан ҳимояланиш учун бошқа чоралар билан бирга ўзларининг қоғозни сотиб олишга берган буюртмаларида кўрсатилган нархни оширадилар. Қайта молиялаштириш хатари давлатни “бир силтов билан” жойлаштиришдан воз кечишга мажбур этади. Унинг ўрнига чиқарилган қоғоз тўпи ҳажм бўйича деярли тенг траншларга (французча tranche – бир парча, бўлак) бўлинади ва улар бирин-кетин алоҳида-алоҳида аукционларда жойлаштирилади.

Айрим манбаларда бундай босқичли жойлаштириш жойлаштиришни тўлдириб бориш (жойлаштиришни тамомлаш), транш – қўшимча чиқариш деб номланади. Босқичли жойлаштириш ўзаро алмашинувчанлик тамойилига асосланади. Бу тамойилга кўра, муайян стандартларга мос келадиган ушбу товарнинг жами бирликлари савдо давомида бир-бирига алмашиниши, айирбошланиши мумкин. Молияда ўзаро алмашинувчанлик – бир қимматли қоғознинг бошқасига тезда, тўсиқсиз алмашиниш қобилияти. Ушбу қоғознинг ҳар бир янги транши олдинги траншлар билан ўзаро алмашина олади, чунки уларнинг хоссалари бир. Ҳамма траншларнинг эмитенти битта (кредит хатари), чиқарилган санаси бир (гарчи жойлаштириш саналарида фарқ бўлса ҳам), тўланиш муддати бир, купон ставкаси бир, номинали бир. Купон ставкаси бир хил бўлганда давлат навбатдаги траншни барча қоғоз эгаларига қарзни қайтаришда тенг даромаддорликни таъминлайдиган (юқорироқ) нархларда жойлаштирилади. Бундай тенглаштириш (текислаш) юз берадиган аукционлар ўзаро алмашувчан деб аталади. Ўзаро алмашувчан траншларни мунтазам жойлаштириш ўз қарзининг ликвидлиги тўғрисида ғамхўрлик қиладиган давлатнинг стандарт эмиссия сиёсатидир.

Шундай қилиб, ликвидлик жиҳатидан идеал қарз – бу бир бозор қоғозига “ўралган” йирик қарз ҳисобланади. Бундай қарз бозори ликвидлиги максимал бўлади, чунки муомаладаги ҳажм максимал. Аммо на давлат, на инвесторлар бунга рози бўлмайдилар, сабаби бозорда эмитент ва инвесторларнинг талаб-эҳтиёжларига жавоб бера оладиган турли тавсифли давлат қимматли қоғозларининг биргина эмас, балки бир неча тоифалари бор. Кўп ҳолларда ликвидлик қисман хилма-хилликка қурбон қилинади: қимматли қоғозларнинг ҳар бир тоифаси ва ҳар бир асосий муомала муддати бозорда “ўз худуди”ни эгаллайди. Ва аксинча, хилма-хиллик баъзан ликвидликка қурбон қилинади. Ўз-ўзидан аёнки, ягона бозор унинг алоҳида қисмларига қараганда ликвидроқ.

Фақат пайдо бўлаётган қарзни эмас, балки мавжуд, эскидан қолиб келадиган қарзни ҳам бошқариш керак. Мавжуд бўлган қарз миқдори ва тузилмасини давлат қимматли қоғозларини ҳақинитўлабқайтариб сотиб олиш, давлат қимматли қоғозларини алмаштириш, фоиз своплари ставкалари ва валюта своплари воситасида ўзгартириш мумкин. Давлат узиш муддати етган эски қоғозларни қайтариб сотиб олиши ва ўрнига янгиларини жойлаштириши мумкин. Қайтариб сотиб олиш қайта молиялаштириш бўйича операцияларни барқарорлаштирилади. Давлат, шунингдек, бозор иштирокчиларига эски, ликвидлиги пастроқ қоғозларни янгисига, ликвидлиги юқорироғига алмаштириб олишларига руҳсат бериши мумкин. Алмаштириш



бозорнинг бўлакчилигини сусайтиради ва пул шаклидаги ҳисоб-китобларни талаб этади. Нақд пулга қайтариб сотиб олиш ва қоғозларни алмаштириш эталон даромаддорлик эгри чизиғи ликвидлигини сақлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Своп эса харажатларни пасайтириш ва бозор хатарларини изга солиш имкониятини беради.

Мавжуд қарзга бу воситалар орқали таъсир кўрсатишни ва оппортунистик эмиссияни давлат қарзини фаол бошқариш деб аташ мумкин. Фоиз ставкаларининг кутиладиган тебранишларидан ёки миллий валюта алмашув курси ўзгаришларидан фойдаланиб қолишда давлат қарзини фаол бошқариш қўлланилади. Бундай фаоллик фаол савдо деб ҳам аталади. Пулини тўлаб қайтариб сотиб олиш, алмашиш ва свопга қисқа тавсиф бериб ўтамиз.

Бюджет дефицити даврида – қайтариб сотиб олиш кам учрайдиган ҳодиса (омонат облигацияларига муддатдан олдин тўланадиган кичик суммаларни ҳисобга олмаганда), лекин бюджет профицити даврида қарзни қайтариш каби табиий ҳол. Ортиқча пулларни, биринчи навбатда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишдан бошқа яна нимага сарфлаш мумкин? Қайтариб сотиб олиш давлат қимматли қоғозларининг бирламчи бозори ҳажмини ва ликвидлигини оширишга шароит яратади, бундан ташқари қайтариб сотиб олиш давлат қарзларини бошқариш мақсадларига эришишнинг энг таъсирчан воситаси ҳисобланади. У харажатлар ва бюджет учун хатарни бевосита пасайтирибгина қолмай, айти пайтда муддатларни танлаш йўли билан ҳиссаси камайтирилиши лозим бўлган қарз тузилмасини бошқаришга имконият яратади. Ҳукумат қарз дюрацияси (хизмат кўрсатиш муддатлари) ни номақбул чўзишларга йўл қўймай, нота ва облигацияларни чиқаришни давом эттириши мумкин.

Давлат қимматли қоғозлари асосан аукционларда пулга сотиб олинади. Қайтариб сотиб олиш бўйича аукционлар жойлаштириш бўйича аукционларга ўхшаш, фақат талабнома сотиб олишга эмас, сотишга берилади. Шу сабабли бундай аукционлар қайтма аукцион дейилади. Қайтариб сотиб олиш учун давлат қимматли қоғозларини танлаб олишда ҳисобга олинмаган энг муҳим нарса – қарз тузилмаси ҳисобланади. Қоғозлар қайтариб олинганидан кейин бу тузилма ёмонлашмаслиги керак, яъни қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари ва уларнинг ўзгарувчанлиги ортиб кетмаслиги мақсадга мувофиқ. Қайтариб сотиб олиш самарали бўлиши учун, унинг чегара нархини ҳисоб-китоб қилиш муҳим аҳамиятга эга (талабноманнинг ундан ортиқ қисми бажарилмаслиги керак). Бу эса қайтариб олишга номзод қоғозларнинг адолатли бозор қиймати тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга имконият берадиган иккиламчи бозор учун даромаддорлик эгри чизиғини ҳисоблаб чиқишни талаб этади. Даромаддорлик эгри чизиғининг назарий модели қайтариб сотиб олишнинг жами қийматини аниқлаш учун муҳим восита бўлиши мумкин.

Давлатнинг қарз маблағларга доимий ёки камайиб боровчи эҳтиёжлари бўлган шароитларда алмаштириш бозорнинг ҳаддан ташқари бўлакчилиги кетишининг олдини оладиган самарали восита бўлиб қолади. Унинг ёрдамида бозорни эски қоғозлардан “яганалаш” ва шу йўл билан янги қоғозларга жой очиш мумкин. Қарзлар ўсиб бораётганда алмаштириш қоғозни мўлжалланган ҳажмга қадар йириклаштиришга кетадиган вақтни қисқартиришга ёрдам беради. Алмаштиришнинг яна бир муҳим хусусияти – давлат қимматли қоғозлари бозоридаги операциялар учун бюджет маблағларини тежаш ҳисобланади. Алмаштириш бўйича келишувларни расмийлаштиришда қайтариб сотиб олишдаги каби нақд пул зарур бўлмайди. Қайтариб сотиб олиш сингари алмаштиришда ҳам қўлланиладиган асосий усул – аукцион савдолари.

Аъло даражада қарз олувчи бўлган давлат белгиланган даромадли облигациялар бозорида қиёсий устунликка эга. Аксинча бўлганда, давлат контрагентларининг фоиз харажатлари кўпаяди, уларнинг ўзгарувчанлиги пасаяди. Бошқача айтганда, энг қисқа муддатли қарз энг юқори фоиз хатарини ва энг паст фоиз харажатларини юзага келтиради.



LOGISTIKA SAMARADORLIGINING IQTISODIYOTGA TA’SIRI

A.M.Axunbayeva

TATU 1-bosqich magistranti

Annotatsiya: *Har bir mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishida uning qon tomiri bo‘lgan logistika tizimi juda muhim ahamiyatga ega. Samarador logistika tizimi ichki bozorda tayyor mahsulot va xom-ashyo harakatini optimallashtirish orqali tovar va xizmatlarning xaridorlar uchun qulay sharoit va arzon narxlarda yetkazib berilishini ta’minlaydi, bozordagi raqobatni rag‘batlantiradi. Tashqi bozorda esa mamlakatning iqtisodiy raqobatbardoshligini oshiradi va jahon iqtisodiyotiga integratsiya jarayonini tezlashtiradi. Rivojlanib borayotgan mamlakatimiz uchun samarador logistika tizimini tashkil qilish juda ham muhim.*

Kalit so‘zlar: *transport logistikasi, LPI, transit, mikroiqtisodiyot, makroiqtisodiyot.*

Jahon Banki tomonidan 2018 yilda chop etilgan logistika samaradorligi hisobotida O‘zbekiston 160 davlat orasida 99-o‘rinni egalladi. Hisobotni ishlab chiqishda bojxona samaradorligi, transport infratuzilmasi sifati, xalqaro tashimalarni tashkil qilish osonligi, soha mutaxassislarining bilim va salohiyati, yuklarni kuzatish imkoniyati va yuklarni o‘z vaqtida yetkazish darajasi kabi me‘zonlar hisobga olingan. Afsuski mintaqamiz LPI darajasi maqtanarli darajada emas. Bu borada respublikamiz mintaqada Qozog‘istondan keyingi ikkinchi o‘rinni egallaydi. Quyida LPI reytingida birinchi o‘rinni egallagan Germaniya va O‘zbekistonning me‘zonlar bo‘yicha farqini ko‘rishingiz mumkin:

Natijalarga qaraydigan bo‘lsak, sohani rivojlantirish uchun hali juda ham ko‘p ishlar qilinishi kerakligini tushunish qiyin emas. Bunda asosan chegara va mamlakat hududiga bojxona jarayonlari samaradorligini oshirish, soha mutaxassislarini ko‘paytirish, tizimga innovatsion yondashuvni tatbiq qilish muhim. Logistika samaradorligini oshirish transport-jo‘g‘rofiy noqulay joylashgan va eng arzon transport turi bo‘lgan dengiz portlariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri, hatto chegaradosh davlatlar orqali ham chiqish imkoniyatiga ega bo‘lmagan bizning mamlakatda ayniqsa dolzarbdir.

Samarador logistika tizimini tushuntirish uchun juda oddiy ikki misolni keltirib o‘taman.

Mikroiqtisodiy misol. Tasavvur qiling, siz qaysidir viloyatda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish bilan shug‘ullanasiz. Xaridorlaringiz shaharlardagi bozorlar, supermarketlar, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash korxonalari bo‘lishi mumkin. Toza mahsulotni oxirgi xaridorga yetib borguniga qadar sizning bir necha kungina vaqtingiz bo‘ladi. Shu vaqt ichida hosilni yig‘ib olishingiz, qadoqlashingiz, transport vositasiga yuklab, xaridorga yetkazishingiz kerak.

Makroiqtisodiy misol. Tasavvur qiling, siz eksportga mo‘ljallangan qishloq xo‘jaligi mahsuloti yetishtirasiz va mahsulotingizni Uvropa bozoriga, masalan, Germaniyaga olib chiqmoqchisiz. Bunda avvalambor Germaniyada shu mahsulotga bo‘lgan talab darajasini, taklif qilinayotgan narxlarni, mahsulotingizning tannarxini, uning eksport va transport xarajatlarini hisoblab chiqasiz. Aynan shu mahsulotni Germaniyaga yetkazib beradigan Ispaniya, Italiya, Polsha kabi Yevropa davlatlari yetkazib beruvchilari sizga raqobatbardosh hisoblanadi. Dunyo hamjamiyatida mavqei o‘sib borayotgan Xitoy, Hindiston kabi davlatlarning global iqtisodidagi o‘rni ham oshmoqda. Mintaqamizning Osiyoni Yevropa bilan bog‘lagan muhim transport karidorining markazida ekanligi biz uchun ham chorlov va ham imkoniyat bo‘lib hisoblanadi. Bir Makon — Bir Yo‘l kabi loyihalar hamkorlar bilan birgalikda infratuzilmamizni yaxshilashga, transport va logistikaga aloqador bir qancha sohalarni rivojlantirishga imkoniyat, shu bilan birga mahalliy ishlab chiqaruvchilar uchun raqobatbardoshlikni oshirish yo‘lida sinov bo‘ladi.

O‘zbekistonning tranzit davlati sifatidagi o‘rni

Respublikamiz mintaqamizdagi eng yaxshi transport infratuzilmasiga ega. Davlatimiz hududidan 42530 km avtoyo‘l, 4500 km temir yo‘li (har 10000 km ga 150 km) o‘tadi va mamlakatimizni mintaqaning muhim transport koridorlariga ulaydi. O‘zbekistonning tranzit davlati sifatida ayniqsa Afg‘oniston Islom Respublikasiga (Trans-Afg‘on xalqaro transport karidori) kirish va Afg‘oniston orqali Bandar Abbas va Chobahor portlariga chiqish imkoniyati Tojikiston Respublikasiga kirishi muhim hisoblanadi. Mohiyati yildan yilga ortib borayotgan Andijon- O‘sh — Saritosh — Irkeshtom — Qashqar koridori dunyo tarixidagi eng buyuk loyihalardan bo‘lgan va Xitoy Xalq Respublikasi tomonidan taklif qilingan «Bir makon — bir yo‘l» (Belt and Road Initiative — BRI)



da munosib qatnashish uchun va Xitoyni mamlakatimiz hududidan o‘tuvchi yo‘llar orqali boshqa mintaqalar bilan bog‘lash xizmat qiladi. Xitoyning TIR konvensiyasiga qo‘shilishi, Qirg‘iziston orqali Xitoydan O‘zbekistonga avtotransport orqali amalga oshirilgan ilk transport tranzit davlati sifatidagi potensialimiz yuqoriligidan dalolatdir. Bu potensialdan foydalangan holda Turkmaniston orqali Eron va Turkiyaga, Kavkaz davlatlariga, Bojxona Ittifoqi davlatlari orqali Yevropaga chiqishimiz mumkin. Bu imkoniyatlar ayniqsa iqtisodimiz uchun bevosita va bilvosita ishlab chiqarish, transport, infratuzilma, turizm sohalarida minglab ish o‘rinlari yaratishi mumkin. Dastur sohaga kadrlar tayyorlash, mavjud kadrlarning malakasini oshirish, infratuzilmalarni yaxshilash kabi yo‘nalishlarda bo‘lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. <http://lex.uz/docs/4143188>

2. Новиков Д.Т. Логистика туристического предприятия: учеб. Пособие // Д.Т. Новиков, И.А. Соколов. - М.: изд-во Российской экономической академии им. Г.В. Плеханова, 2006. - 72 с.; Гвозденко А.А. Логистика в туризме: учеб. Пособие // А.А. Гвозденко. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 272 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000